O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 5 январь, № 3 (3548) Чоршанба





# Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 январь куни Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Орифни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлади, ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

— Сизни нафақат Эрон вице-президенти, балки ушбу мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган арбоб ва олим сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган. Давлатларимиз ўртасидаги алоқаларда мулоқот ва маслаҳатлашувлар доимийлик тусини олган. 2000 йилдан буён уч маротаба олий даражадаги учрашув ўтказилди. Икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасидаги мулоқотлар ҳам изчиллик касб этмоқда.

Эрон раҳбарияти Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Ҳозирги кунда томонларнинг ўзаро ҳамкорликдан манфаатдорлиги, айниқса, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишига кўмаклашишда яққол намоён бўлмоқда. Экстремизмга, террорчилик ва наркобизнесга қарши курашиш муаммолари ҳам ўзаро муносабатлардаги долзарб масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон ва Эрон Марказий Осиё билан Форс кўрфазини боғлайдиган халқаро транспорт йўлагининг Афғонистон орқали ўтувчи қисмини барпо этишда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2003 йилнинг ёзида Теҳронда имзоланган Трансафғон йўлагини барпо этиш тўғрисидаги уч томонлама ҳужжат муҳим аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳа ҳаётга татбиқ этила бошлади ва унинг ижросини жадаллаштириш учун давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш масаласи кўрилмоқда.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида иқтисодий соҳада ҳам самарали ҳамкорлик қарор топган. Юртимизда Эрон компанияларидан еттитасининг ваколатхонаси, эронлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган элликка яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Транзит юк ташиш борасидаги кўрсаткичлар йил сайин ўсмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан каби ижтимоий соҳаларда ҳам алоқалар ривожланаётгани алоҳида таъкидланди.

Эроннинг биринчи вице-президенти самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш учун барча имкониятлар етарли эканлигини қайд этди.

Музокарада икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган суратлар.**

# Марказий сайлов комиссиясида

4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Бўритош Мустафаев олиб борди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ, 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун 120 та округ сайлов комиссияси ва 8088 участка сайлов комиссияси тузилган эди.

Сайловда сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 489 нафар депутатликка номзод, шу жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — 114, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 108, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 84, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан — 58, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан — 71, Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 54 нафар депутатликка номзод қатнашди.

5 та сайлов округида икки нафардан номзод, 23 та сайлов округида — уч, 55 та сайлов округида — тўрт, 32 та округда — беш, 5 та округда олти нафардан номзод бир депутатлик мандати учун кураш олиб борди.

Республика бўйича сайловчилар рўйхатига 14323709 сайловчининг фамилиялари киритилиб, уларнинг 12197159 нафари (85,1 фоиз) овоз беришда иштирок этди.

Овоз беришда Тошкент шаҳрида сайловчиларнинг 81 фоизи, Андижон вилоятида — 87,8 фоизи, Бухоро вилоятида — 86,4 фоизи, Жиззах вилоятида — 88,6 фоизи, Навоий вилоятида — 80,5 фоизи, Наманган вилоятида — 88,3 фоизи, Самарқанд вилоятида — 84,7 фоизи, Сирдарё вилоятида — 86,9 фоизи, Сурхондарё вилоятида — 81,7 фоизи, Тошкент вилоятида — 82,3 фоизи, Фарғона вилоятида — 87,4 фоизи, Хоразм вилоятида — 84,9 фоизи, Қашқадарё вилоятида — 86,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасида — 85,2 фоизи иштирок этди.

120 та сайлов округининг барчасида рўйхатга киритилганларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди. Бу округларда сайлов ўтган деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра, 62 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг орасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 21 киши, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 18, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 9, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан — 6, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан — 2, Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 6 киши. 62 нафар сайланган депутатларнинг 8 нафари (12,9 фоизи) хотин-қизлар.

Республика бўйича 58 та сайлов округида депутатликка номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмади.

Шу сабабли, 2005 йил 9 январь куни такрорий овоз бериш ўтказиш тўғрисида 2004 йил 29 декабрда қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов очиқ, ошкоралик руҳида, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг кенг иштирокида бўлиб ўтганлиги таъкидланди. Парламент сайловида 40 мамлакатдан 228 хорижий кузатувчи, шу жумладан, МДҲ, ЕХҲТ кузатувчилар миссиялари қатнашди. Сайлов қонунчилигига тўла мувофиқ ҳолда бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик жараёнлар янада ривожланаётганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги Марказий сайлов комиссиясининг қарори газетамизнинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда.

# ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Ориф 4 январь куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди*

Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан Муҳаммад Ризо Орифнинг мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар муҳокама этилди. Томонлар ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари давомида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Суҳбат чоғида ўзаро алоқаларнинг бугунги ҳолати таҳлил этилди, истиқболдаги ишлар режаларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар кўламини янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда транспорт коммуникациялари масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кўлами йил сайин ўсиб бормоқда. 2004 йилнинг 10 ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 288 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2003 йилдаги умумий кўрсаткичдан 50,4 фоиз кўпдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратилган. Ҳозиргача Ўзбекистон билан Эрон ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асосий тамойил ва йўналишларини белгиловчи ҳукуматлараро ва идоралараро йигирмага яқин ҳужжат имзоланган. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Эрон ҳукуматлараро комиссияси фаолият юритмоқда. 2004 йилнинг август ойида Теҳрон шаҳрида мазкур комиссиянинг олтинчи йиғилиши ўтказилди.

Иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан ҳисобланган транспорт коммуникациялари Ўзбекистон-Эрон муносабатларида алоҳида ўрин тутади. Томонлар бу борада мунтазам мулоқотни йўлга қўйган.

Ўзбекистон учун халқаро савдо йўлларига чиқиш доимо долзарб масала бўлиб келган. Мамлакатимиз раҳбари истиқлолнинг илк йиллариданоқ янги-янги халқаро транспорт йўлакларини барпо этиш ташаббусларини илгари суриб келаётгани бежиз эмас. Бу ташаббуслар кенг қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг Эронга 2003 йил июнь ойидаги расмий ташрифи асносида Трансафғон йўлагини барпо этиш борасида кўп томонлама келишувга эришилган эди. Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон ўртасидаги бу келишувни ҳаётга татбиқ этиш масаласига Ислом тараққиёт банки ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда.

Ушбу йўлак Марказий Осиёдан Форс кўрфазига (Эроннинг Бандар-Аббос ва Чобаҳор бандаргоҳларига) чиқишнинг, у ёқдан эса минтақамизга келиш харажатларини камайтиради ва минтақада халқаро қатновни қулайлаштиради. Трансафғон йўлаги лойиҳаси Афғонистонда янги йўллар барпо этишни, Ўзбекистон ва Эрондаги йўлларни жаҳон андозаларига мослаштиришни кўзда тутади. Мамлакатимиз йўлсозлари бу борада катта амалий тажрибага эга. 2003 йилда ўзбекистонлик мутахассислар Афғонистонда ўнта кўприкни қуриб фойдаланишга топширгани бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Музокаралар якунида ўзаро савдо имтиёзлари тўғрисидаги 2003 йил 17 июнда имзоланган ҳукуматлараро меморандумга протокол, стандартлаштириш идоралари ўртасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "Ўзкимёсаноат" давлат акционерлик компанияси билан Эрон миллий нефт-кимё компанияси ўртасида нефтгаз кимёси ва кимё тармоқларида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу куни Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Ориф Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҚОРБОБОЛАР СОВҒА ТАРҚАТМОҚДА



***УРГАНЧ (ЎзА мухбири Т.ШАМАКОВ).***

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида Хоразм вилоятида давом этаётган Янги йил тантаналарининг бош қаҳрамонлари 100 нафар Қорбобо ва шунча Қорқиз ҳисобланади. Улар профессионал ва ҳаваскор артистлар гуруҳлари билан бирга болалар муассасалари, мактаблар, меҳнат жамоаларида байрам томошалари кўрсатмоқда.

ЎзА мухбирига вилоят ҳокимлигидан хабар беришларича, Урганчнинг ўзида янги йилнинг илк уч кунида ногирон болалар учун мактаб-интернатларнинг 1300 нафар тарбияланувчиси Қорбоболардан совға олди.

# КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ).***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан маълум қилишларича, мамлакатимизда фаолият юритаётган кредит уюшмалари сони яна биттага кўпайиб, йигирматага етди. Тошкент шаҳрида "Университет" номли янги кредит уюшмаси рўйхатга олинди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги бундай молия муассасалари ўз аъзоларига ажратган кредитлар миқдори икки ярим миллиард сўмликдан ошди.

# ВАТАН РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ

Маълумки, вақтни исмли-жисмли, бетакрор суратли, қиёфали, мазмун-моҳиятли қиладиган феномен, бу — Инсон, унинг даҳоси, ақлий, ижодий, жисмоний куч-қудрати, салоҳияти, шижоати, меҳнатидир. Худди шу маънода, ўтган 2004 йил, янада аниқроғи, Ўзбекистоннинг 2004 йили халқимизнинг азму шижоати, меҳнати, турли соҳаларда эришган улкан ютуқлари билан безаниб, салмоқ ва салобат касб этиб, тарихдан ўзига хос, шарафли ўрин олди.

Матбуот — ҳаёт кузгуси. Жумладан, «Халқ сўзи» газетаси ҳам 2004 йил мобайнида халқимиз кўрсатган азим бунёдкорликларга ҳамнафас ҳолда яшаб, шу йилнинг жўшқин ҳароратини ўз саҳифаларига жо этишга интилди.

Газета ўтган йилнинг фақат солномаси, шунчаки кўзгуси эмас. Балки 2004 йилги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий воқеликнинг фаол иштирокчиси ҳам бўлиб, мамлакатимизда турли жабҳаларда шиддат билан давом этаётган ҳамда ҳаётимизни, маънавиятимизни ўзгартираётган кенг қамровли ислоҳотларда эришилган ютуқлар, самараларни ўз саҳифаларида изчил ёритиб боришга ҳаракат қилди. Айни пайтда, ислоҳотлар йўлида учраган тўғаноқлар, бу жараёнда юз берган муаммолардан ҳам кўз юммади, аксинча, ислоҳотларнинг чуқур асосли, малакали ва холис таҳлиллари газета саҳифаларида кенг ўрин олди.

Маълумки, 2004 йилнинг сўнгги ойида мамлакатимизда икки палатали парламентни таркиб топтириш мақсадида ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига умумхалқ сайлови ўтказилди. Мана шу улкан ижтимоий-сиёсий воқеа ҳам газетамизнинг 2004 йилдаги бош мавзуларидан бирига айланди. Газетада сайловга тайёргарлик жараёни атрофлича ва анча жонли ёритилди, деб айтсак бўлади. Унинг саҳифаларида сиёсий партиялар ўз дастурлари билан кўринди, сайловчиларнинг барча тоифалари вакилларига минбар берилди, ҳатто сайловда биринчи марта қатнашаётган ёшлар ўз ўй-кечинмалари билан ўртоқлашдилар. Сайлов — халқимизнинг сиёсий онги, демократик ҳис-туйғулари ривожланаётганлигини яққол кўрсатди. Бу ҳақиқат халқаро кузатувчилар томонидан ҳам эътироф этилди. Сайловчилар номзодларга овоз беришда ўз мустақил қарашларига таянганлиги, беш-олти номзод орасидан энг сарасини танлаш уларга осон бўлмаганлиги овозларнинг бўлинишига ва айрим округларда такрорий овоз берилишига олиб келди. Шу боисдан икки палатали парламентга ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар янги йил бошида ҳам давом этадиган бўлди. «Халқ сўзи» мана шундай вазият талабига кўра, ўз саҳифаларида умумхалқ сайлови мавзуини ёритишни ўша-ўша изчилликда давом эттирмоқда.

Газетанинг ижодий жамоатчилиги 2005 йилни янги-янги ижодий режалар билан кутиб олмоқда. Мамлакат тараққиёти, ҳаётимиз ободлиги ва халқ турмушининг фаровонлигини ошириш мақсадларига қаратилган Президентимиз фармонлари, давлатимиз қабул қилган қонунлар ва ҳукумат қарорлари ҳаётга қандай жорий этилаётганлигини изчил таҳлил этиб бориш — «Халқ сўзи»нинг янги йилдаги асосий вазифаларидан биридир. Бундан ташқари, эл эътиборини тортган анъанавий «Бугуннинг гапи», «Огоҳлик — давр талаби», «Яхшидур аччиқ ҳақиқат», «Журналист суриштируви», «Суд очерки», «Олам нафаси», «Маърифат соати» ва бошқа рукнлар янада фаоллаштирилади.

Қадрли муштарийлар, ҳаёт, бу — ҳаёт, турмуш чорраҳаларида Сиз ҳар хил муаммоларга дуч келасиз, Сизни ўйлантираётган саволлар ҳам оз бўлмаслиги мумкин. Янги йил бошланишида таклифимиз шуки, ана шундай муаммолар ва саволларни ҳал этишга шахсан қурбингиз етмаслигини англасангиз, марҳамат, таҳририятимизга мурожаат қилинг. Газета мушкулингизни осон этиш мақсадида Сиздан келган мактублар ҳамда уларда баён этилган саволлар, кундалик муаммолар билан тегишли вазирликларга, ташкилотларга, муассасаларга, корхона ва идораларга мурожаат қилади. Пировардида, "Халқ сўзи"нинг 2005 йилдаги сонларида Сизларнинг саволларингиз ва уларга жавобларни ўзида акс эттирган махсус саҳифаларни мунтазам уюштириб боришни ҳам ният қилганмиз.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги нишонланадиган йилдир. Янги йилимизнинг тарихий ўзига хослигини белгиловчи бу йирик воқеаларни газета таҳририяти ижодий жамоатчилиги янгича ёндошувлар асосида ёритиш режахаёллари билан яшамоқда. Шундай режалардан бири — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари томонидан Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами олдидан уюштирилган «Ватан ғурури» номли республика ижодий танловидир. Ушбу танлов мустақиллик даврида ва унинг муҳитида халқимиз ҳаётида, тақдирида ва маънавиятида рўй берган ёрқин ўзгаришларни тараннум этиш, одамларда уйғонган миллий ғурур, она-юрт ва элга фидойилик, янги дунёқараш ва маънавият адабиётда ва журналистикада янада кенгроқ очилишини рағбатлантириш мақсадларида ташкил этилди.

Азиз муштарийлар!

Таҳририятимиз ижодий жамоаси сизларни бошланган янги йилингиз билан чин дилдан қутлайди. Сизларга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, бардам кайфият, эл-юрт ободлиги, фаровонлиги йўлидаги меҳнатингизга барака, эзгу орзу-армонларингиз ижобат бўлишини сидқидилдан тилайди.

Янги йилда ўзаро ишонч ва ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади ҳамда қувонарли самаралар беради, деб ишонамиз. Ҳамкорлик дейилганида, биз, аввало, сизнинг «Халқ сўзи» газетасига обуна бўлишни унутмаслигингизни, газета мухлислари davраси янада кенгайишини назарда тутмоқдамиз. Ҳамкорлик дейилганида, газетхонлар ўзларининг салмоқли фикр-ўйлари, ният-таклифлари, ҳаёт ва унинг масалаларига доир эзгу, фойдали ва истиқболли қарашлари билан янада фаол иштирок этишларини кўзда тутамиз.

«Халқ сўзи» янги йилда ҳам сизга алоҳида маънавий баҳра бағишлайдиган ҳамсуҳбат бўлишга, ҳаётий ва қалб эҳтиёжларингизни тўла-тўкис оқлашга, ҳар доим ишончли ҳамроҳингиз бўлиб қолишга қатъий бел боғлаган. Шу йўлда газета таҳририяти ва унинг жойлардаги мухбирлари ижодий куч-ғайратларини аямайди, бор салоҳияти ва имкониятларини тўлалигича эл хизматига сафарбар этаверади.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 11-моддасининг 12-бандига ва 48-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан қуйидагилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари этиб рўйхатга олинсин:**

| № | Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган орган номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Абдуллаев Сарвар Собитович | 1970 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | “Маънавият ва маърифат” республика маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари | Тошкент шаҳри | 6-Саноат сайлов округи |
| 2 | Абдуллаева Шарбат Зулпикаровна | 1958 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси нодавлат нотижорат ташкилотлари гуруҳининг раҳбари | Тошкент шаҳри | 29-Пайкент сайлов округи |
| 3 | Абдураҳимов Асатилла Убайдуллаевич | 1948 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Тошкент аграр университети иқтисодий назария ва ахборот технологиялари кафедраси мудири | Тошкент шаҳри | 81-Қибрай сайлов округи |
| 4 | Алимов Насим Хошимович | 1964 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Бухоро вилоят филиалининг раҳбари | Бухоро шаҳри | 23-Бухоро сайлов округи |
| 5 | Аннакличева Гулистан Ахмедовна | 1948 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | “Аму тонги” газетаси Бош муҳаррири | Нукус шаҳри | 117-Амударё сайлов округи |
| 6 | Ахадов Абдурафиқ | 1945 | Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси | Тошкент шаҳри | 58-Тайлоқ сайлов округи |
| 7 | Ахмаджанов Нуъмонжон | 1950 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Наманган вилояти ҳокимлигининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари котибияти мудири | Косонсой шаҳри | 41-Косонсой сайлов округи |
| 8 | Ахмедов Илхам | 1939 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | “Хива гилами” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Хива шаҳри | 102-Хива сайлов округи |
| 9 | Байкулов Анвар Абдуғаппарович | 1964 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | “Денов муҳандислик қурилиш компанияси” масъулияти чекланган жамияти бошқарувининг раиси | Денов тумани | 69-Денов сайлов округи |
| 10 | Гулямов Латиф Якубович | 1956 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби | Тошкент шаҳри | 9-Бодомзор сайлов округи |
| 11 | Джумамуратова Клара Шахназаровна | 1961 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “Феруз-Хоразм» акциядорлик жамияти раиси | Урганч шаҳри | 97-Урганч сайлов округи |
| 12 | Джумаев Акрам Гаффарович | 1962 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Босма оммавий ахборот воситалари мониторинги бўлимининг бошлиғи | Тошкент шаҳри | 70-Сариосиё сайлов округи |
| 13 | Жўрабоев Абдурашид Абдувоҳидович | 1975 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “Марғилон бахмали” хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари | Марғилон шаҳри | 92-Марғилон сайлов округи |
| 14 | Зарипова Ранොжон | 1951 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | “Соғлом авлод” газетаси бош муҳаррири | Тошкент шаҳри | 101-Хонқа сайлов округи |
| 15 | Ибрагимов Қаххор Маматаджиевич | 1957 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | “Ҳамза минерал сув қуйиш заводи — Шахимардонсой” масъулияти чекланган жамияти директори | Олтиариқ тумани | 90-Олтиариқ сайлов округи |
| 16 | Иркаходжаев Анвар Камолович | 1960 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибиятининг бошлиғи | Тошкент шаҳри | 108-Косон сайлов округи |
| 17 | Исаев Одил Батиржанович | 1970 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “IFODA GROUP LLC” масъулияти чекланган жамиятининг бош директори | Наманган шаҳри | 45-Тошбулоқ сайлов округи |
| 18 | Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович | 1959 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси | Тошкент шаҳри | 44-Учқўрғон сайлов округи |
| 19 | Исмоилов Умид | 1954 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | Қўшкўпир туманидаги 4-сон лицей директори | Қўшкўпир тумани | 103-Шовот сайлов округи |
| 20 | Қориева Мунира Джўраевна | 1957 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | “Жўрабек” хусусий фирмасининг бош директори | Тошкент шаҳри | 82-Янгийўл сайлов округи |
| 21 | Каримов Тўланбой Ибрагимович | 1963 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермерлар уюшмаси Фарғона вилояти вакиллиги директори | Қува тумани | 96-Қува сайлов округи |
| 22 | Каримов Шавкат Камилович | 1966 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | “Файз-ҚМ” масъулияти чекланган жамияти раиси | Когон тумани | 24-Шоҳруд сайлов округи |
| 23 | Козлов Анатолий Михайлович | 1954 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | “Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш комбинати” очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Андижон шаҳри | 12-Андижон сайлов округи |
| 24 | Коренев Игорь Анатольевич | 1966 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи | Тошкент шаҳри | 76-Олмалиқ сайлов округи |
| 25 | Кочмарик Изидор Андреевич | 1943 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, қурилиш транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг раиси | Тошкент шаҳри | 36-Зарафшон сайлов округи |
| 26 | Кушакаев Бахтияр Янгибаевич | 1963 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | “Ўзстандарт” агентлиги Республика синов ва сертификатлаштириш маркази директорининг ўринбосари | Нукус шаҳри | 116-Элликқалъа сайлов округи |
| 27 | Маматов Абдугафур Эшонкулович | 1955 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | Жиззах педагогика институти кафедраси мудири | Жиззах шаҳри | 33-Ғаллаорол сайлов округи |
| 28 | Махкамов Махмуд Мухтарович | 1967 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | “94-сон автокорхона” масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси | Учкўприк тумани | 88-Учкўприк сайлов округи |
| 29 | Махмудов Самидулло Сайидович | 1969 | Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Андижон вилоят ҳудудий бошқармасининг раиси | Андижон шаҳри | 22-Хартум сайлов округи |
| 30 | Мирзаев Мухитдин Дадабоевич | 1952 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, ЎзХДП аъзоси | Шаҳрихон тумани халқ таълими бўлими мудири | Шаҳрихон шаҳри | 15-Шаҳрихон сайлов округи |
| 31 | Мунавваров Зохилло Иномходжаевич | 1953 | Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | “Имом ал-Бухорий” халқаро жамғармаси раиси | Тошкент шаҳри | 40-Тўрақўрғон сайлов округи |
| 32 | Назаров Турабай Турсунович | 1955 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “Тошкентмебель” акциядорлик жамияти раиси | Тошкент шаҳри | 4-Қорақамиш сайлов округи |
| 33 | Насриев Илхом Исмоилович | 1966 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси | Тошкент шаҳри | 28-Ғиждувон сайлов округи |
| 34 | Нурмедов Бегмат | 1956 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, ЎзХДП аъзоси | Хазорасп тумани касалхонаси бош шифокори | Хазорасп тумани | 100-Хазорасп сайлов округи |
| 35 | Охунов Равшан Орипович | 1963 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “Бозор, пул ва кредит” журнали бош муҳаррири | Тошкент шаҳри | 74-Бўстонлиқ сайлов округи |
| 36 | Раджабов Фахритдин Зайниевич | 1962 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | “Қонун” адвокатлик фирмаси директори | Самарқанд шаҳри | 47-Регистон сайлов округи |
| 37 | Раззақов Отабек | 1963 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “Каттабоғ” хусусий фирмаси раҳбари | Янгиариқ тумани | 98-Боғот сайлов округи |
| 38 | Раҳимов Тулкин Буриевич | 1970 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз | “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси | Нуробод тумани | 51-Каттақўрғон сайлов округи |
| 39 | Реймов Полат Расбергенович | 1962 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси | Нукус шаҳри | 120-Орол сайлов округи |
| 40 | Рўзметов Ражапбай Рахимович | 1960 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Гурлан тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари | Урганч шаҳри | 99-Гурлан сайлов округи |
| 41 | Рустамов Аслиддин Ашурбаевич | 1962 | Ўзбекистон Халқ Демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби | Тошкент шаҳри | 56-Пайариқ сайлов округи |
| 42 | Саидов Акмал Холматович | 1958 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз | Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори | Тошкент шаҳри | 107-Нишон сайлов округи |
| 43 | Сафаева Машкура Бакиевна | 1950 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри | 105-Бешкент сайлов округи |
| 44 | Соатов Бахтиёр Мамадиевич | 1963 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “Оҳак” акциядорлик жамиятининг раиси | Жиззах шаҳри | 30-Жиззах сайлов округи |
| 45 | Ташмухамедова Дилорам Гафурджановна | 1962 | Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, “Адолат” СДП аъзоси | “Фармед” хусусий фирмасининг бош директори | Тошкент шаҳри | 1-Оқтепа сайлов округи |
| 46 | Тешабаев Мухаммадюсуф Муталибжанович | 1954 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “HOLDKOMEKSPIM” масъулияти чекланган жамияти бош директори | Тошкент шаҳри | 13-Олтинкўл сайлов округи |
| 47 | Толибов Иззатулло Ибодович | 1956 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи | Бухоро шаҳри | 27-Жилвон сайлов округи |
| 48 | Тошматов Қобилжон Фаттахович | 1957 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Акциядорлик тижорат “Пахтабанк” бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 87-Бағдод сайлов округи |
| 49 | Турғунбоев Караматилло Раҳматович | 1962 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “Зарзамин” кўп тармоқли фермер хўжалиги раиси | Зарбдор тумани | 32-Зарбдор сайлов округи |
| 50 | Турғунов Собитхон Тошпўлатович | 1965 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, ЎзХДП аъзоси | Наманган вилояти Педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори | Чортоқ тумани | 46-Наманган сайлов округи |
| 51 | Турсунов Ахтам Саломович | 1954 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби | Қибрай тумани | 59-Ургут сайлов округи |
| 52 | Тўхташев Абдил Касимович | 1955 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Фидокорлар МДП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри | 57-Самарқанд сайлов округи |
| 53 | Халилов Эркин Ҳамдамович | 1955 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси | Тошкент шаҳри | 2-Дархон сайлов округи |
| 54 | Хамраев Шавкат Рахимович | 1964 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | “Аму-Бухоро” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари | Бухоро шаҳри | 25-Ибн Сино сайлов округи |
| 55 | Хатамов Фуркат Рахматуллаевич | 1969 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Сирдарё вилояти ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари | Боёвут тумани | 60-Гулистон сайлов округи |
| 56 | Шайманов Тахир Самадович | 1961 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги қошидаги “Пойтахт-экспорт” экспортчи ва инвесторларга кўмак кўрсатиш маркази бош директори | Тошкент шаҳри | 111-Чироқчи сайлов округи |
| 57 | Шукуров Анвар Юлдашевич | 1965 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Қашқадарё вилояти хўжалик суди судьяси | Қарши шаҳри | 109-Касби сайлов округи |
| 58 | Эрданаев Алиқул Халимович | 1957 | Ўзбекистон Либерал- демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Шаҳрисабз тумани ҳокими | Шаҳрисабз тумани | 112-Шаҳрисабз сайлов округи |
| 59 | Юлдашев Махамадилхом Мамаюнисович | 1966 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Андижон вилояти филиали раҳбари | Марҳамат тумани | 17-Истиқлол сайлов округи |
| 60 | Юнусова Алия Туйғуновна | 1961 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг таълим бўлими мудири | Тошкент шаҳри | 72-Бекобод сайлов округи |
| 61 | Юсупов Боймурат Жумаевич | 1962 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Республика Олимпия захиралари коллежи директори | Тошкент шаҳри | 113-Яккабоғ сайлов округи |
| 62 | Якубов Бахтияр Султанназирович | 1969 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси бўлими мудири | Тошкент шаҳри | 115-Тўрткўл сайлов округи |

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри, 2005 йил 4 январь.*

*Биз учун азиз бўлган одамни елкасига опичлаб кетаётган поезднинг ортидан узоқ термулиб турамиз. Биздан меҳрини дариғ тутмаган таниш-билишларнинг этагини ҳадеганда қўйиб юборгимиз келмайди. Бир оғиз ширин сўз айтган кишилар кўзимизга олов бўлиб кўринади.*

*Ёз бўйи ширин-шакар мевалари билан одамларни сийлаган ўриклар тилларанг баргларини тўкаётган паллада кўнглимиз беихтиёр маҳзун тортади. Сентябрь адоғида жанубга учаётган қушлар парвози дилимизга маҳзунлик бахш этади. Совуқ ёмғирлар суяк-суягимиздан ўтиб кетган дамларда қалдирғочни соғиниб яшаймиз. Бир-биримизнинг кўз қорачиқларимиздан момоқаймоқларнинг гулларини қидирамиз.*

# Меҳр қолур...

Публицистика

**2004** йил минг битта меҳрларни ҳар томонга сочиб кетди. Бозордан қайтган сахий бободек минг битта мурувватни қўлимизга тутқазиб кетди.

Асалларим, сизлар қуёш чўғдек ёниб чиқадиган, чўғдек ёниб ботадиган қишлоқда яшайсизлар. Тўрт томон кўклам кезлари гуллардан ловуллаб кетади. Сойларда сувлар «яли-яли» айтиб оқади. Булбулларни айтинг... шохлардаги булбуллар тундан тонггача кипригингизга илашиб сизга алла айтаётган уйқуни қувиш билан овора. Ёввойи ялпизлар бўйи кишини сархуш қилиб қўяди.

Бу манзараларни эндиликда оталаринг кўрмайди. Оталаринг Янгиерда яшайди. Бир кун танишиникида, бир кун эса нотанишникида ётиб юради. Ҳар кеч тушларида сизларни кўради. Эндигина куртак отган токларни, эндигина яшил чопон кияётган боғларни кўриб чиқади. Бу узумзорда, бу боғларда унинг қадам излари бор. Қишлоқда сув кўпроқ турсин, дея ариқлар чуқур-чуқур кавланади. Отангиз чопонининг битта барини белбоғига қистириб, бирам ток чопардики, унинг ишини кўриб кишининг завқи келарди.

Нон тўғралган бир коса қатиқ, тишни тақиллатиб юборадиган бир коса булоқ суви. Тушликда у шу неъматларга қаноат қиларди. У паллада сизлар ёш эдиларинг. Улоқчалардай отангизнинг атрофида «дикир-дикир» қилишдан чарчамасдиларинг. Отангизнинг кўзида кулгу бор эди. Кўнглида кулгу бор эди.

Бир тўйда нима бўлдию ўйинчига беш-ўн сўм пул қистирибди. Осмон узилиб ерга тушмаган... Тоғаларинг ўша тўйда оталарингни ўзларича тартибга чақирмоқчи бўлибди. Ие, нима гап ўзи? Пул қистирса ўзиникини қистирибди. Бироқ, тоғаларинг ўзларини гоҳ шер, гоҳ хўроз билишибди. Эл ичида изза бўлган оталаринг уйга келиб онангизга уч-тўрт оғиз ўринли-ўринсиз гап айтибди. Буни қарангки, яна осмон қулаб ерни босиб қолмабди. Жанжал каттарибди. Эр-хотиннинг ўртасига қўшилиш аҳмоқнинг иши эканлигини тоғаларинг билмабди. Улар араз оловига ҳовуч-ҳовуч мой сепибди.

Эркакни нафсоният кўтариб туради. Ғурур деган нарса тик қилади. Ҳамият қурғур унинг эрлигини кўрсатиб беради. Отангизда ана шуларнинг ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб ётарди.

Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши, деган гап бор. Ойлар ўтибди. Рўмол қуримабди. Ойлар-ойларнинг ортидан югурибди. Рўмол селгимабди. Тоғаларинг энди қурийман, деган рўмолга оғизларидан тинмай сув пуркашдан чарчашмабди.

«Қўй, хотин...» дебди оталаринг. «Болаларимиз бор, онаси», дебди у яна. Оналаринг кўзлари жовдирагани билан укаларидан қўрқибди. Рўзғордан барака кетибди. Меҳр деган нарса кўнгилларни ташлаб кетибди. Отангиз битта чопонни елкасига илиб шаҳарга энибди.

Буни қарангки, шунча воқеа юз берганига қарамасдан адирлар яна ям-яшил ўтлардан яшнаб кетибди. Офтоб эса қирлар ортидан чўғ бўлиб чиқиб, уфқдаги ётоғига чўғ бўлиб ботишдан, қизғалдоқлар даштларни икки ой ловуллатиб ёндиришдан чарчамабди.

Кейин отангизнинг уруғлари қишлоққа келабошлабдилар. Афсуски, онангиз оғзига талқон солганини кўрган тоғаларинг элчиларга бийрон-бийрон жавобларни айтибди. Уларнинг тиллари тил эмас, қамчига айланибди. Уларнинг сўзлари сўз эмас, шамширнинг ишини қилибди. Келганлар бир келибди, икки келибди. Кейин-кейин оралатиб келибди. Орадан йиллар ўтибди. Келганлар келмай қўйишибди. Келувчилар умидларини узишибди. Шу зайлда ўн беш йил ўтибди. Икки қизу уч ўғил, яъни сизларнинг бирингиз эр етибсиз, бирингиз эса бўй. Отангиз заводда ишлабди. Савдода ишлабди. Сизларни соғина-соғина дардга йўлиқибди. Юрганда қадамидан ер зириллайдиган одам муштдай бўлиб қолибди.

Эркатойларим! Онангизку майли, нега сизлар отангиз бериб юборган кийимларни, ўйинчоқларни яна таниш-билишлару автобус ҳайдовчиларидан қайтариб юбордингиз? Нега сиз отангизнинг меҳри кўчган бу нарсаларни ушлаб ҳам кўрмадингиз. Сиз билмайсиз, қаровсиз қолган узумзорни кўриб, шохлари қуриётган дарахтларни кўриб онангиз боғнинг пана-пана жойларида юм-юм йиғлайди. Йиғисига афсус сабаб. Йиғисига жигарларининг бемаъни ғурурлари сабаб. Онангиз юраги пок, қалби тоза аёллигини наҳотки билмайсиз. Наҳотки у ёлғизликдан тунлари ёстиқларни ҳўл қилиб чиқишини сезмайсиз.

Асалларим! Кун келиб кимдандир сизга совчи келади. Кун келиб қай бирингиздан ўзга хонадоннинг қизига қулчиликка боришади. Ота тирик туриб, оқ фотиҳа олиш учун тоғангиз пойига тиз чўкасизми? Отангиз тирик туриб, бир ҳовуч фотиҳа учун тоғангизнинг елкасига бош қўясизми?

Кун келиб, уйингизда тўйлар бўлади. Келин келади. Сизларни дарвозада ким кутиб олади? Ким сизу ёнингиздаги ҳарир кўйлак кийган маҳбубангиз пешонасидан ўпади? Кимнинг кўзи қувонч ёшлари билан лиммо-лим тўлади?

Ҳаёт бор экан, айрилиқлар бўлади. Аразлар бўлади. Икки инсон тушунмовчилик аталмиш сўқмоқларда тентираб юради. Сўқмоқнинг сўнгги бекатида нур бўлмаса, ёруғлик бўлмаса сафардан мурод борми?

Деразадан боқинг. Қирлар оппоқ. Даштлар оппоқ. Гўё бутун борлиқ оқ рангдан бошқа рангни тан олмаётгандай туюлади. Қор қанчалик оқ, қанчалик тиниқ, қанчалик гўзал бўлмасин, у одам танасини илитмайди. Одам танасига ҳаловат уфурмайди...

Шошмай туринг, яна бир неча ҳафталардан сўнг бу совуқ кунлардан ном-нишон қолмайди. Аввал сувқўноқ кўринади, кейин қуштилилар қиқирлайди. Қўзиқулоқнинг чиройли барғларини кўриб лабингизнинг зийига табассум илашади. Чучмомолар пичир-пичир қилади. Сойлардан шарқираб сел келади. Нафармон бўлиб шафтолилар гуллайди. Чақир деганлари жаннатни эслатади.

Битта чучмома ҳам, тепаликнинг кунгай томонидаги қуштили ҳам бекорга ерни туртиб чиқмайди. Унинг бари-барига қуёш сабабчи. Қуёш уларни уйғотиб юборган. Тирик мавжудотнинг ҳаммаси қуёшга талпинади. Қизғалдоқ ҳам, қашқабедаю оққурайлар ҳам ҳар кеч, ҳар тонг қуёш деб яшайди.

Одамлар ҳам аслида ўту гиёҳлардан, гулу дарахтлардан унчалик катта фарқ қилмайди. Эркатойларим, аслида сизлар бизнинг қуёшимиз бўласизлар. Биз сизларни деб яшаймиз. Қуёш ўз ортидан гулларни, майсаларни эргаштириб юргандек, сизлар ҳам она аталмиш, ота аталмиш гулу чечакларни қўлларидан маҳкам тутиб эргаштириб юринг.

...Мен бу одамни яхши танийман. Бу одамнинг кўзларида мунг бор. Бу одамнинг гоҳо-гоҳи кўзи кулгани билан ичи кулмайди. Бу одам узоқ-узоқ ўйга толиб қолади. Ким билсин, эҳтимол унинг ёдига Чақир тушар. Ким билсин, балки унинг хаёлида ҳамиша ана шу қишлоқнинг қир-адирлари, боғу роғлари турар. Эҳтимол, бу инсон юрагидан ҳам азиз қуёшларини соғиниб яшаётгандир.

Бу одам сизнинг отангиз бўлади. Ҳақиқий қуёш бўлсангиз, унинг сўнаётган нигоҳларига нур бағишланг. Бир нурки, уни тирилтириб юборсин. Бир нурки...

Бу одам сизларни кутаётганига ўн беш йил бўлгани йўқ. Унинг кутаётганига чамаси минг йил бўлди.

2004 йилни биз Меҳр-мурувват йили сифатида тарих аталмиш узоқ йўлга кузатиб қўйдик. Йил ўтди. Бироқ меҳр-мурувватнинг сафари қаримайди. Бундай олиб қараганда бу гаплар жуда жўн, жуда оддий туюлиши мумкин. Биз якунланган йилни зимдан кўз ёш билан кузатсак ёмон бўлмас. Кейин унга пича ваъдалар ҳам берайлик. Сен сафарга отланганинг билан барибир юрагимизда қолаверасан, дейлик. Сенсиз яшаб бўладими, дейлик. Сенсиз яшасак яшашдан мурод не, дейлик. Агар гапимиз рост бўлса, гапимиз юракдан чиқса, билинг, у жилмайиб қўяди.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Хатирчи туманидаги Зарафшон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида кўплаб ёшлар илм ва касб сирларини қунт билан ўрганишмоқда. Мазкур ўқув маскани замонавий ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган.*

**СУРАТДА:** информатика фани ўқитувчиси Шоҳиста ИСЛОМОВА ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда.

**Ахмаджон ЭЛМУРОДОВ олган сурат.**

# САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗ

Бугун дунёнинг ҳамма жойларида хавфсизликни сақлаш долзарблигича қолмоқда. Турли давлатлар бу масалада янада жипслашиб ҳамкорлик алоқаларини кучайтираяпти. Айни пайтда жамоатчиликни, фуқароларни доимий ҳушёрликка чорлаш, ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириш муаммонинг самарали ҳал этилишига асос бўлиши амалда ўз исботини топмоқда.

## Огоҳлик — давр талаби

Тошкент тумани ҳокимлигида "Огоҳлик — давр талаби" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. МХХ, ДЧХҚҚ, Давлат божхона қўмитаси вакиллари, фуқаролар йиғини раислари иштирок этган мазкур йиғилиш чегараларда хавфсизлик, контрабанда товарларининг ноқонуний равишда кириб-чиқиши масалаларига бағишланди.

Маълумки, Тошкент тумани Қозоғистон Республикаси билан чегарадош ҳудуд ҳисобланади. Бу ерда шу пайтгача ҳеч қандай чегара тўсиқлари белгиланмаганлиги боис айрим муаммолар юзага келиб чиқмоқда.

— Ушбу чегара ҳудудида бир қанча жиноий ҳаракатларнинг олди олинди, — дейди Давлат чегаралари Тошкент тезкор гуруҳи бошлиғи вазифасини бажарувчи Раҳматилла Қурбонов. — Масалан, 160 килограмм героин, 60 килограмм марихуана ва 20 килограммдан ортиқ портловчи моддалар юртимиз ҳудудига ўтказилишига йўл қўйилмади. Бу ердан айланма йўллар орқали гиёҳванд моддалар, сифатсиз, сертификати бўлмаган маҳсулотлар олиб ўтиш ва олиб киришга уринадиганлар учраб туради. Республикамизга сифатсиз товарлар кириб келишининг олдини олиш ҳамда осойишталигимиз барқарорлигини таъминлаш мақсадида айни пайтда Қозоғистон билан чегарадош 67 километр ҳудудда делимитация ишлари якунланмоқда. Чегара чизиғидаги аҳоли уй-жойлари кўчирилмоқда. Ўз ўрнида улар учун етарли шарт-шароит яратиб берилаётир.

Шуни афсус билан айтиш лозимки, сим тортилган чегараларни бузиб ўтиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Чунончи, 2004 йилнинг 26 декабрь куни соат 14. 00 ва 22. 00 да ушбу ҳудудда чегара симларининг узиб ташланганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, Ўзбекистон фуқаролари иккита "УАЗ" автомобилида контрабанда моллари олиб киришга уринишган. Бироқ, чегарачиларимиз бунга йўл қўймаганлар.

— Чегараларнинг асосий қисми "Ғишт кўприк" маҳалласи ҳудудига тўғри келади, — деди тадбирда сўзга чиққан маҳалла оқсоқоли Рихсибой Обидов. — Албатта, чегара ходимлари ва оқсоқоллар билан ҳамкорлик кучайтирилса айни муддао бўлади. Ўзимизнинг, юртимизнинг тинчлигига раҳна солувчиларга қарши ҳаммамиз бир тану бир жон бўлиб курашиш учун режа асосида ишлашимиз керак.

Тошкент туманининг чегара ҳудудида яшовчилар орасида қўшни республикадагилар билан қуда-анда бўлганлар ҳам бор. Демак, ўтиб-қайтишни хоҳлайдиганлар кўп. Албатта, борди-келди давом этаверади. Фақат энди ҳамма нарса қонуний йўл билан амалга оширилади.

Йиғилишда бу каби чора-тадбирлар мамлакатимизнинг тинчлиги, фуқароларнинг осойишта яшаб, ишлаши учун замин бўлиши таъкидланди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



